

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗДА ЁШЛАРНИ КАСБ-ХУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ю.М. Якубов

самарқанд ветеринария медицинаси чорвачилик ва биотехнологиялар
университети тошкент филиали доценти

АННОТАЦИЯ

Аждодларимиз бой тарихий- маънавий меросида ёш авлодни жисмоний бақувват, маънавий соғлом қилиб вояга етказишга ва уларга касб- хунар ўргатишга катта эътибор берганлар. Болаларни ёшлигидан меҳнатга, керакли касб- хунар эгаллашга ўргатишда ота- боболаримиз ўрнатилган бўлиб, ишқмаслик, дангасаликнинг зарари тўғрисида мунтазам панд насиҳатлар қилиб, уларни яхшиликка, эзгулик ва бунёдкорликка, меҳнасеварликка даъват этиб, амалий фаолиятлари билан ўзидан яхши ном қолдириш борасида ибрат кўрсатганлар. Ўтмишдошларимизнинг бундай ибратли амаллари бугунги кунда ёш авлоднинг касб- хунар сирларини эгаллашларида муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу мақолада аждодларимизнинг тарихий меросида касб- хунар эгаллашнинг ҳозирги даврда жамиятимиз тараққиётидаги аҳамияти ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: Маънавий мерос, касб- хунар, меҳнат, яхшилик, эзгулик, бунёдкорлик, тарбия, маданият

К И Р И Ш

Фарзанд тарбияси барча даврларда жуда мураккаб жараён бўлиб, бу масалага аждодларимиз алоҳида эътибор берганлар. Болаларни меҳнатга, касб- хунар эгаллашга ўргатадиган энг аввало ота- оналардир. Шу сабабли уларнинг ўзлари барча соҳада фарзандларига ўрнатилган бўлишга ҳаракат қилиб, ишқмасликдан, танбалликдан қочиш хусусида тўхтавсиз панд насиҳатлар қилишганлар ва фарзандларини ҳамиша эзгуликка, яхшиликка, фойдали юмушларни бажариш ва меҳнатсеварликка бошлаганлар. Аждодларимизнинг бу ибратли амаллари бугунги кунда ҳам давом эттирилиши ҳаёт талаби эканлигини ҳар бир ота- она эътиборга олиши, болаларини хунар ўрганишга қизиқтириши, билимли ва маърифатли бўлишга ундаш уларнинг зиммаларидаги бурч эканлигини унутмасликлари ҳам бугунги кун талабидир. Бу ҳақда Юртбошимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият- енгилмас куч” китобида аждодларимизнинг бебаҳо ёдгорлиги “Авесто”да баён этилган ибратли пандларнинг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисидаги қуйидаги фикрлари

эътиборга молик: ”Авесто”да борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг рухий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилгани кўп нарсани англатади. Бу ҳолат инсоннинг маънавий дунёсини шакллантиришда атроф- муҳит қадим замонлардан буён қандай кучли таъсир ўтказиб келганига яна бир бор эътиборимизни жалб қилади”¹.

Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси ҳақида сўз кетганда аждодларимиз бу борада асосий эътиборни тартиб интизом ва меҳнатга қаратганлари диққатга сазовардир. Меҳнат барча замонларда ва барча жамиятларда буюк ҳуқуқ, буюк зарурат ҳисобланган. Маданият юксаклиги эса меҳнатга бўлган муҳаббатга боғланади. Маданият қанчалик юксак бўлса, жамиятда меҳнат шунчалар қадрланади. Чунки меҳнат ҳамиша инсон ҳаёти ва маданиятининг асосини ташкил этади. Алломалар айтганидек, агар ҳаёт кемаси меҳнат лангарига суянмаса, ҳамма шамоллару довулларга дош беролмайди.

Ҳиндларнинг машҳур адиби Рабиндранат Тагор меҳнатни маданиятнинг бир кўриниши ҳисоблайди. У 1935 йили ёзган эди: “Бир куни талабалар билан сайр- ҳаво қилиб юрганимизда, йўлда бир жуфт хўкиз кўшилган аравага дуч келдик; арава лойга тикилиб қолган экан. Мен билан бирга келаётган талабалар ёрдамлашиб, аравани куруқ жойга чиқариб қўйишди. Шантиникетонга келган қандайдир бир киши юк кўтаришга хизматкор топа олмаган экан. Талабаларимиздан бири ўйлаб ўтирмасдан, унинг юкини елкасига олиб, айтган жойига элтиб берди. Талабалар шундай тарбия олган эдиларки, бирор жойдан келган одамга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг хизматида бўлишни ўз вазифалари деб билардилар. Яқинда улар Шантиникетон йўлини қуришда ишладилар, ҳамма ўнқир- чўнқирларни тўлдириб текисладилар. Бу ишларнинг ҳаммасини улар ўзларидаги **ички рағбат** таъсири остида бажардилар. Улар китобга ҳам, адабиётга ҳам қарамасдан, **ҳақиқий маданият нимани талаб қилса**, шуни идрок қилиб олдилар. Умид қиламанки, улар ҳали ҳам бошқа кишиларга шундай меҳр- муҳаббат билан қараётгандир”. Ушбу ибратли мисол бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб, ёшларда ҳалол меҳнатга муҳаббат ва рағбатни шакллантиришга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Донишмандлар дунёнинг тамали меҳнат асосига қурилганлигини, касб- хунар эгаллаш эса инсонларга фаровонлик олиб келишини таъкидлаганлар. Уларнинг фикрича инсонни ҳаётдаги қийинчиликлар ва мушкулликлардан фақат касб- хунар, тадбир ва меҳнат қутқаради.

казган”, “Бу ижодкор фалончи олимнинг шогирди”...

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч. Т., Маънавият, 2008,-Б.-32.

Дарҳақиқат, ҳаётдан ҳамма ҳам лаззат топишни, ўзидан яхши ном қолдиришни истайди. Бунга эса, шошма- шошарликсиз, сабр- тоқат, чидам ва ҳалол меҳнат билан эришилади. Шу сабабли доно халқимизнинг “Етти ўлчаб, бир кес”, деган мақоли ибратлидир.

Халқимизнинг бебаҳо ёдгорлиги “Авесто”да ҳам меҳнат ва касб-ҳунар улуғланган, таълим жараёнида эса, кундалик ҳаёт учун зарур бўлган билимлар ўқитилган, ҳунарлар ўргатилган. Масалан чорвачилик билан шуғулланадиган қавмларда кўпроқ шу соҳага доир ҳунар ва малакалар ўргатилган: қиз болаларга юнгдан ип йиғириш, урчуқ ва чархда ишлай билиш, ҳар хил либослар тўқиш, тикиш, юнг олишни билиш шарт бўлса, ўғил болалар эса молларни боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя, отларни парваришлаб, уларни бошқара олиш, узок яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани дарранда ҳайвонлар, қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки ҳарбий ҳунарни билишлари мажбурий бўлган. Ана шу малакалар ҳосил бўлгач, қизлар 15, ўғил болалар 17 ёшида “лагомзадан” ва “зин задан” имтиҳонидан ўтган. Натижада улар балоғат ёшига етган, рўзғор юритишни ўрганиб, “кад бону” (уй бекаси), “кад худо” (уй хожаси, оила бошлиғи) бўлиш, чўпон чўлиғини олиб, от суриб, туя миниб юриш ҳуқуқини қўлга киритишган. Алоҳида иқтидорли йигитлар эса, човандозликка махсус тайёрланган, ҳарбий машқларда иштирок этган.

Табаррук манбада қиз болалар тарбиясига алоҳида эътибор бериш лозимлиги бир неча ўринда махсус таъкидланган: “Ўғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга ва касб- ҳунар эгаллашга жиддийроқ киришсинлар. Зероки, улар ота- она хонадонидан бўлган вақтларида ота рўзгорини тартибга солиб, зийнат бериб борсалар, жуфти ҳалоли манзилига боргач, болалар тарбияси, таълим, касб-ҳунар билан, келажак насл тарбияси билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади”.

(«Авесто». Вандидод, Аша қасидаси, 208-214 бетлар)

Ушбу фикрлардан кўриниб турибдики, аجدодларимиз таълимнинг амалиёт билан боғланиб олиб борилишига жиддий эътибор беришганини алоҳида таъкидлашимиз зарур деб ҳисоблаймиз.

“Авесто”да қайд этилганидек, яхши устозлар “соғлом ва ақл-ҳушли фарзандларни, жасур, доно ва турли тилларни биладиган ўғил- қизларни, элни бало- қазолардан ҳимоя эта оладиган ўғлонларни, яхши келажак, порлоқ ҳаётни кўра оладиган, билимли, маърифатли, касб- ҳунар эгаллаган авлодни” тарбиялайди. Шунингдек, улар ёшлар қалбида ўз дини, халқи, юртига меҳр уйғотади, уларни касб- ҳунар эгаллаб ҳалол меҳнати эвазига ризқу рўз топиб яшашга ўргатади, одамларга фақат яхшилик қилиш фазилатлари ҳам донишманд устозлардан юқади. Муқаддас манбада айтилганидек, яхши устоз ёшларни рост

йўлга бошламоғи, фақат яхшилик йўлида раҳномалик қилмоғи, уларга тўғри таълим- тарбия бериб, касб- ҳунар эгаллашларига ёрдам қилмоғи, шунингдек, уларнинг қалбида ҳаётга муҳаббатни сингдирмоғи лозим.

Табаррук манбада болаларнинг ёшлик пайтиданок меҳнатга меҳр- муҳаббатли бўлишига эътибор берилиши зарурлиги қайд этилган. “Болалар,- дейилган мажмуада,-ёш пайтиданок дарахт ўтқозиш, уй- рузғор қуроллари ясаш, ерга ишлов бериш, касб- ҳунар ўрганиш ва чорва билан шуғулланиши шарт”.

(«Авесто». Ясна, 19,43,68 Ҳотлар,-18,22,57,63,76,86,96 бетлар).

Муқаддас манбада, юқорида номлари келтирилган юмушларни бажариш шарт қилиб қўйилган.Шунингдек, аждодларимиз томонидан меҳнат доимо улуғланиб келинган, чунки меҳнат барча бойликларнинг асоси, ҳамма тўқинчиликнинг сабабчиси, бутун ноз- неъматларнинг яратувчисидир.

Аждодларимиз касб- ҳунар эгаллашда меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси борлигини таъкидлайдилар: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, ақл ва зеҳннинг ортиши.Уларнинг фикрича, меҳнат инсонни уч балодан асрайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузукликдан, муҳтожликдан.Уларнинг фикрича, меҳнат меҳмон бўлмаган ер ҳеч қачон бахт-саодат ўрни бўла олмайди.Инсон меҳнатдан тўхтаसा камолотдан тўхтайдди.Айни вақтда дангасалардан бараканинг қочиши уқтирилган.

“Меҳнат қилмайдиган одам,- дейилади “Авесто”да,-сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида ёт эшикларга таъзим қилиб, абадул- абад бош эгиб туражаксан. Ҳақиқатдан ҳам сенинг ёнингдан турли хил зироатларни олиб ўтадилар, бу ноз- неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган, тўқ фаровон яшаётган хонадонга насиб этади.Абадул- абад шундай бўлажак!”.

(«Авесто». Вандидод, 3- фарғард, 3- бўлим, 114-115 бетлар)

Шу сабабли меҳнатдан қочиш, дангасалик барча даврларда хору зорлик келтиришини ота- боболаримиз теран англаб, фарзандларини ҳаётдаги мушкулотлардан фақат эгаллаган керакли касбу ҳунари ва ҳалол меҳнати қутқаришини улар онгига сингдириб боришга ҳаракат қилганлар.

Барча даврларда касб-ҳунар, ҳунарли кишилар эъзозланганлар. Донишмандлар ҳунарни улуғлаб, “ҳунар қўлингдаги тилла узукдан ҳам аъло эканини унутма”, деганлар. Бир ҳаким ўғилларига бундай панд берур эдики: “Э жон фарзандларим, ҳунар ўрганинлар, нединки, мулк ва молга эътимод йўқдир. Сийм ва зар хатар маҳаллиладир- ё ўғри барчасини бирдин олур ва ё ҳоким оз- оз олиб йўқ этар. Аммо ҳунар чашмаи равон ва давлати бепаёндулки, агар ҳунарсиз одам давлатдин тушса, ҳеч ғам ва алам йўқдур. Нединки, ҳунар унинг зотида улуғ давлатдир ва ҳар ерғаки борса, соҳиби қадр бўлур ва мажлисининг

юқорисида ултурур ва хунарсиз киши гадойлик қилур ва ҳар жойгаки борса, беқадр ва безътибор булур.

Ҳорун ар- Рашидга тобе шаҳарлардан бирининг ҳукмдори шундай ҳикоя қилади:

-Отам ҳар вақт мени хунар ўрганишга тарғиб қилиб: “Ўғлим, ёшлигингни ғанимат билиб, хунар ўрган, мансаб ва давлатинга ишонма, бир кун буларинг қўлдан кетиши мумкин, бироқ хунар доимо сен билан бирга бўлади, сени ҳеч қачон мухтожликка туширмайди”,- деб насиҳат қилардилар. Мен отамнинг насиҳатларини жону дилим билан қабул қилиб, хунар ўрганишга бел боғладим. Хунарлар орасида гилам тўқиш менга хуш ёқди. Энг моҳир гилам тўқувчига шогирд тушиб, бу хунарнинг нозик сир- асрорларини пухта эгалладим.

Отамнинг вафотларидан кейин Ҳорун ар- Рашид шаҳарга мени ҳукмдор қилди. Орадан кўп ўтмай, икки йўлдошим билан Бағдод сари йўлга чиқдик. Бир неча кун сафар ранжини тортиб пойтахтга доҳил бўлдик. Қорнимиз оч эди. Жуда зийнатланган ва озода бир емакхонага кирдик. Емакхона соҳиби бизни кўрган замони дарҳол ёнимизга келиб, ҳол- аҳвол сўрашиб, айтди:

-Сизлар бошқа шаҳардан келган обрўли кишиларга ўхшайсизлар, бозорда овқатланиш сизлар учун айбдир. Шу яқин орада бир озода жойимиз бор, сизларга ўша емакхонада таомланиш ярашади.

Биз унинг таклифини қабул қилдик. Хизматчиси бизни айтилган шинам уйга бошлаб борди-да: “Пича ўтира турунлар, ҳозир таом келтираман”, деб эшикни беркитди. У кетиши билан биз ўтирган уй иккига ажралиб, барчамиз ертўлага тушиб кетдик. Ўзимизга келишга улгурмай туриб, уй яна асл ҳолига қайтди. Бир оздан кейин ертўла эшиги очилиб, пичоқ ушлаган икки хизматкор пайдо бўлди. Жонимиздан умидиизни уздик. Бизни йўлдан урган емакхона эгаси одамларни алдаб бу ерга келтираркан-да, сўйиб, гўштини таомга солар экан. Шу тобда бошимга бир фикр келиб дедимки:

Биз моҳир гилам тўқувчилармиз, бизларни ўлдиришдан фойда кам. Бошлиғингизга чиқиб айтинг, керакли нарсаларни етказса, ажойиб гиламлар тўқиб беражакмиз.

Таклифим маъқул келиб, эртасигаёқ айтган нарсаларимни муҳайё қилишди. Шерикларим кичикроқ ҳажмдаги гилам тўқишди, мен подшоҳга аталганини тўқишга киришдим. Иш ниҳоясига етгач, хўжайинга дедимки:

-Буни бозорга олиб чиқманг, бу гилам подшоҳ саройини безаши керак. Хорун ар- Рашидга тортиқ қилсангиз кўп фойда оласиз.

Хўжайинга бу таклиф хўш ёқди. Ўша куниёқ гиламни кўтартириб, саройга равона бўлди. Хорун ар- Рашид гиламни қизиқиш билан кузатиб бурчагига тикилиб қолибди. Мен бу бурчакка гулларга мослаб, ўз муҳримни тўқиган эдим.

Бизнинг Бағдод сари йўлга чиққанимиздан, сўнг изимиз йўқолганидан хабар топиб, нима қилишини билмаётган Хорун ар- Рашид бу муҳрни кўрибоқ бошимизга мусибат тушганини англабди-ю, емакхона хўжайинини ҳибсга олиб, сўроққа тутибди. Хунар шарофатидан ўзимнинг ва йўлдошларимнинг жони омон қолди.

Хунар туганмас хазина эканлиги сабабли уни барча ёшдаги инсонлар ўрганишлари зарурлиги тўғрисидаги ушбу мисол бугунги кунда ҳам аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Шу сабабли ҳам халқимиз “Йигит кишига қирқ хунар оз”, дейдилар. Бу мақол барчага тааллуқли деб ўйлаймиз.

Арасту ҳаким ёшлари етмишга борганда чолғу чалишни ўрганибдилар. Шогирдлари: “Оппоқ сочингиз билан чолғу машқ қилгани уялмайсизми?” дейишса, жавоб қилибдиларки:

Даврада ўтирган одамлар бу хунарни билганлари ҳолда, мен кўзимни мултиллатиб ўтирсам, ўшанда уят бўлур эди. Ҳар қандай илму хунардан хабардор бўлиш, уни ўзлаштириш йўлида тортиш мумкин бўлган барча азиятларни билиш одамнинг фазилатидир. Жоҳил кишиларгина бунинг маъносини тушунмайди ва фойдасини билмайди. Улуғ донишманднинг хунарни барча ёшдаги кишилар ўрганишлари кони фойда эканлиги тўғрисидаги қимматли фикрлари бугун ҳам аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, шу сабабли аждодларимиз одамнинг улуғ, баракали ва бадавлат бўлиши учун касб- хунардан қимматроқ мато йўқ ва улуғлик ҳамда саодат осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқ деб билганлар. Аждодларимиз хунари йўқ одамни гуёки мева ва сояси йўқ қуруқ дарахтга ўхшатганлар. Шу сабабли касбу хунарсиз кишиларни жамиятнинг энг паст кишилари деб ҳисоблаганлар ва уларга одамлар ёрдам қўлини чўзмаганлар.

Келтирилганлардан кўриниб турибдики, касб-хунар машаққатли ва ҳалол меҳнат туфайли эгалланади, унинг мевасидан хунар эгаси ва бошқалар манфаат кўриб, касб- хунар эгасига шуҳрат, обру эътибор ва бойлик олиб келади. Бу ибратли амаллар мамлакатимизда Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишга, мустақил фикрлайдиган, чет тилларини яхши биладиган, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштирган баркамол авлодни тарбиялашда ёрдам бермоғи учун аждодларимизнинг касб-хунар эгаллаш ва таълим- тарбия узвийлигига риоя қилган бебаҳо меросини чуқурроқ ўрганишимиз давр тақозосидир десак тўғри бўлади деб ўйлаймиз.

Х У Л О С А

Умумлаштириб айтганда, аждодларимизнинг бой тарихий- маънавий меросида фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор берилган бўлиб, ота-боболаримиз энг аввало фарзандларини болалигидан билимли, одобли бўлишга

ва касб- хунар ўрганишга даъват этганлар. Бундай ибратли ўғитлар, панд-насихатлар ва амаллардан бугунги кунда ёшлар тарбиясида фойдаланиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

- 1.Каримов И. А. Юксак маънавият- енгилмас куч. Т., Маънавият, 2008. Б.-32.
- 2.Авесто. Тарихий- адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Т., Шарқ, 2001.- Б.-18,19,22, 43,57,61,63,68,76,86,96, 112-117, 208-214.
- 3.Хўжамуродов И.Р. Маънавий меросимиз “Авесто”да мўл- кўлчилик масаласи // Ўзбекистон Аграр фани хабарномаси. № 2 (56), 2014, - Б.-89-92.
- 4.Тоҳир Малик. Одамийлик мулки.Т., Шарқ, 2014.-Б.-853-854.
5. Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. Т., Санъат, 2010.-С.87.